

# **Машаққатли саховат...**

Тошкент 2011 йил

Биласизми, қаршимда турган пурвиқор тоғларга қараб туриб, шайх Нурсафардийнинг табиблик борасидаги касби нақадар сермашаққат ва ўз ўрнида ўта хавфли эканлигига шахсан гувоҳ бўлиб турганимни баён қилмоқчиман. Ҳа, мен устоз билан ўт-ғиёҳ териш мавсумини бирга ўткармоқ ниятида ана шу пурвиқорлик қаршисида хаёлга берилиб қолдим. Бу ерларни жаннатга қиёслаш мумкин. Лекин қорларни бағрига қучиб ётган бу жаннатнинг қўйнидан инсон қадами етмаган тўрт минг саккиз юз метр баландликдаги ўта кучли ўт-ғиёҳларни териб тушмоқ дўзах азобига тенглигини ҳис қилдим. Тасаввур қиляпсизми, тўрт минг саккиз юз метр баландлик. Тошкентда эллик градус иссиқ, одамлар салқин жой излаб турган бир пайтда, саратоннинг қоқ ўртасида қорлар бағрида қалин кийиниб совуқда буришиб ўтирибмиз. Ҳойнаҳой, бизга ҳавас қилиб турган бўлсангиз ажаб эмас. Кечирасиз, биз ҳаёт ва ўлим орасида турибмиз. Беморларнинг касалига шифо излаб устоз билан чиқиб келган манзилимиздан пастга қарасангиз юрагингиз зирқираб кетади. Бу ерда енгил нафас олишнинг ҳам имконияти чегараланган. Босим кучли. Биз юқорига чиқиб келаётиб тик қояга дуч келдик ва фақатгина мана шу жой бизни керакли ғиёҳлар сари олиб борарди. Устоз хавфли бу йўлдан биринчи бўлиб чиқа бошладилар. Менку биринчи марта бундай қалтис манзил сари чиқмоқдаман, лекин устоз ва у кишининг шогирдлари ҳар йили мана шундай машаққат гувоҳи бўлишларини ҳис қилиб, тўғриси юрагим увишиб кетди. Юқорига кўтарилишдан олдин устоз ҳар биримизга ўта хушёр бўлишимизни тайинладилар. Биз Мен, Ҳасан, Улуғбек биргаликда юқорига чиқа бошладик. Устознинг бир неча йиллик тажрибалари қўл келиб, хавфли дарадан бир муддат ўтиб тепага чиқиб олдилар. Ва ҳар дақиқада хушёр бўлишимизни тайинлаб турдилар. Файрат ва Улуғбек ортларидан чиқиб боришди. Фақат Ҳасан ва мен... Тепага ўн беш метрлар қолганда тикка қояда Ҳасан тақалиб тўхтаб қолди. Ортидан уч метрлар чамаси мен қояга ёпишиб унга қараб қолдим.

На олдинга ва на ортга йўл йўқ. Нима қилишни билмай ортимга қарадим, бир километрлик жарлик устида ўлим мени кутиб турганини ҳис қилдим. Чиқишдан олдин ортимга қарамабман. Тикка жарликда Ҳасан иккаламиз ёпишиб турибмиз. Биласизми, мен шу ерда ўлимни кўрдим. Иккита оёғим иккита тошга илиниб турибди. Қалтирай бошлади. Мендан уч метрлар юқорида турган Ҳасанжон жойидан қимир этолмайди. Юқорида турган устоз ва яна икки шогирд зудлик билан белларидаги арқонни ечдилар, аммо етмади, уч метрлар етмади. Энди нажот устознинг дуоларию Худонинг иродасида эди. Ҳасанжон икки қадам олдинга силжиди. Мен бир қадам ташлаб бир-бирига ёпишиб қолган қатта тош соясида гавдамни тутиб тагига ўзимни олишга ҳаракат қилдим. Чунки мендан тепада турган Ҳасаннинг ҳар бир қўйган қадамидан тошлар кўчиб кела бошлади. Бир қадам қўйса, тошлар оқиб келаяпти. Яхшиям каттароқ қоянинг тагида жон сақлаб турибман. Устимдан тошлар галаси ёмғирдай қуйилди. Оёқларим қалтираб ҳозир қулайман деган хаёлда кўзларимни юмдим. Устознинг овозлари эшитилди.

- Эҳтиёт бўлинглар... Йигитлар ҳозир тушаман...

Устоз токи арқон етгунча хавфли қоядан анча пастлаб арқоннинг бир учини Ҳасанга еткардилар... Уни чиқариб олишди. Мен эса яна икки қадам олдинга силжимоғим керак эди... Қоядаги тошлар жуда омонат, қадам қўйилса бас кўчади... Қўйилиб келади.

Иккита омонат тош турибди, ана шу ушласа чиқаман, ушламаса пастга қулайман. Бошқа илинж ҳам, умид ҳам йўқ... Устоз айнан шу тошларга оёғимни қўйишимни ва сал юқорилашимни айтдилар. Пастга қарасам бош айланади. Бу ердан йиқилган одамнинг ўнта суягидан биттаси қолмайди. Сиз ҳис қиляяпсизми? Бу ерда инсоннинг ҳаёти нафақат менинг, балки етти саккиз инсоннинг ҳаёти кўндаланг турибди. Устозга шу ҳаёт шу машаққат, шу азоб керакми аслида... Халқ дардига, эл дардига малҳам бўламан деб миллат соғлиги йўлида ана шундай ўзининг ширин ҳаётини ўлимга тенглаб тоғлар бағрида ёниб куйиб юрибди. Мен ана шунда устозни қадрини англадим. Кўзларимга ўлим кўриниб турганида устознинг машаққатлари нақадар оғирлигини англадим. Мен устозга умид кўзлари билан қарадим.

- Шу ерда ўлсам керак устоз...

- Ўзингизни қўлга олинг, ана ўша иккита тошга оёқ қўясиз, арқонгача ҳаракат қилинг, энди...

- Омонат, кўчиб тушади, устоз.

- Сизни дуо қиламан... Бўлинг...

Кўзларимни юмдим, худодан умр тиладим, секин ўргимчак сингари тошга ёпишиб олдинга секин қадам кўтардим, биринчи тош кўчиб мингтасини суриб кетди, пастга қарадим, тошлар дўл сингари ёғдилар...

Устознинг тилларидан дуо тушмади. Пешонамдан тер қуйиларди. Ниҳоят иккинчи тошга илиниб, арқоннинг бир учини зўрға илиб олиб, тош кўчганига қарамай осилиб қолдим. Устоз арқонни маҳкам тутиб олганлар. У кишининг оёқларидан Улуғбек, Ғайрат ва Ҳасан тутиб олгандилар. Тўрт минг саккиз юз метр баландлик. Юқорига чиқдим у онамдан иккинчи марта туғилдим, тўғриси. Мен дунёга иккинчи марта туғилдим. Жон ҳам шунақа ширин бўладими? Ҳаммамиз енгил нафас олдик. Бу ерда эса ям-яшил қуёшнинг ултрабинафша нурларига тўйинган ҳар қандай касалликка даво бўладиган ўт-гиёҳлар беморларни кутиб шифо тарзида ўсиб ётибди. Биз уларни бир мунча дам олганимиздан сўнг териб яна қоплар билан минг бир азобда пастлаймиз. Иккинчи хавфли ҳолат нимада эди. Анча пастлаб елкамизда оғир қоплар билан тушаётган эдик, тепада ёввойи эчкилар галаси ўтлаб юрган экан...

Кутилмаганда устознинг, четлан, деган овозларидан оптимизга қарасак, тошбўрон оқиб келаётганига кўзимиз тушди.

- О, Ҳасан...

Кутилмаганда бақириб юборганимни ҳатто сезмай қолдим. Қучоққа сиғмайдиган тош сал қолди уни уриб пастга қулатиб юборишига. Ўзини бор кучи билан қутқарди, назаримда. Юқоридан битта тош қуласа, токи пастга тушгунча мингта тошни уриб тушираркан. Катта бўлмасада, кичик тоғ кўчкиси чиндакам ҳаётимизга хавф солиб ўтди. Енгил нафас олдик. Қаршимизда кўкка бўй чўзиб турган пурвиқор тоғлар нафақат ўзининг тенгсиз гўзаллиги, балки ўзига хос хатарлигини ҳам бизга намоён қилиб турганини ҳис қилиб турардик. Биз юқорига чиқишдан олдин тўртта шаршарани босқичма-босқич чиқиб бордик, бир-биридан гўзал табиатнинг чинакам, нафақат табиат, аслида Яратганнинг чинакам мўъжизасига гувоҳ бўлгандик. Мен, ҳатто камера қаршисида туриб, - одамлар биз Тошкентнинг Бўстонлик туманидаги пурвиқор тоғлардан жаннатни топиб олдик, - дея гапириб ҳам қўйгандим. Лекин юқорида нима воқеалар рўй берди назаримда, ўзингиз ҳикоямиз асосида ҳис қилиб турибсиз.

Қўйида бизни Газ олтимиш олти кутиб турарди. Юқоридан минг азобда олиб тушган юкимизни машинага ортиб йўлга тушдик. Яна қанча йўл юриш керак. Сўқмоқ йўллардан машинамиз сокин кетиб боради. Бир юқорига бир пастга қараб, бир тубсиз жарлик ёқасидан юрагимизни ҳовучлаб ўтамиз. Хуллас, мана шунақа гаплар. Қиялиқдан машина юқорига кўтарилаётиб тўхтаб қолди... Ортга тисарилди. Шухрат ҳайдовчимиз тормозга оёқ босди... Афсус... Тормоз ишдан чиққан экан. Устоз пастга сакрашга буйруқ бердилар. Факат Шухрат машинани тарк этмади. У қандай бўлмасин машинани тўхтатиб қолмоқчи эди. Бўлмади... Машина ағдарилди... Ҳаммамиз юрак ҳовучлаб Шухрат ётган кабина томон югурдик. Шукр Шухрат жароҳатсиз судралиб кабинадан чиқиб, уст-бошини қоқиб олди-ю, устозга хижолатда қаради. Тўғриси устоз уни уришиб бердилар... Ҳалиям машина арча дарахтига урилиб ағдарилди. Пастдаги жарлик томон қулаганда нима бўларди. Машина бензин баки ёрилиб ёқилғи тукиларди. Шу ердан ўтган йўловчи кино олаяпсизларми, трюкчимисизлар, - дея ҳазил қилганда, устознинг янаям жаҳллари чиқиб кетди.

Биз халқ саломатлиги йўлида шундай азобда юрсагу, шу ҳам гапми. Минг азобда трактор гаплашиб юқорига олиб чиққанча машинани ўнгладик.

Бу йўллар ажиб йўллар. Баъзи жойларга машина бормаса, эшакда боришга тўғри келади. Тоғ дараси бўйлаб ўттиз километр юриб бориш керак. Кундузи саратон ойи, ҳарорат иссиқ бўлгани туфайли кечаси йўлга чиқамиз. Сўқмоқ йўллар тепаликлар, тоғ ён бағрида манзилга қадар анҳор шовуллаб оқади. Кечаси ҳар бир қўйган қадамингиз хавфли. Сал тойиб кетсангиз, юз метрлар чамаси пастга қулайсиз. Ҳар бир дарадан юрак ҳовучлаб ўтамиз. Юқорилаганимиз сари эшаклар имконсиз тўхтаб қоладилар, юролмайдилар. Эшак юролмаса, пиёда. Катта харсангларда оёқлар қийилиб юқорига кўтариламиз. Тоғу тошлар кезиб йўлда суҳбат қурамиз, яшаб турган қишлоғимизни ҳангомаси қизиқ. Нега дейсизми...

Қишлоқда эшак топишнинг ҳам имконияти чегараланган. Бир қишлоқда яшаймиз. Одамлари ёмон эмас, лекин эшагингни бериб тулинг шундоққина юкимизни уйгача олиб келайлик десак, ҳеч бири унамайди. Ем-хашак ташиб турувдик, вақт йўқ дейишади. У ёғини сўрасангиз, кўча тўла дайди эшак. Сўрамасдан олишга юрак бетламайди. Охири кўчадаги икки-уч эшакни сўроқсиз ҳайдадик. Майли, халқ йўлида айб бўлмас дедик. Ахир эгасини ҳам танимасдик-да. Барибир минг хижолат билан юкимизни олиб келдик ва устозни топшириқлари билан маълум миқдордаги пулни ўраб ҳар бир эшакни бўйнига ўраб қистириб қўйдик. Хизмат ҳаққи, - дедик. Эгаси топиб олар.

Бир гал юқорида чўпонлар турган ўтовда шишаларда тайёрланган гиёҳлар сиропини олиб келмоқ учун эшак излаб анча сарсон бўлдик. Асосан тожиклар яшайдиган маҳаллада эшак топиш мушкул бўлди. Охири бир инсонни рози қилдик... Фақат эшаги билан бирга ўзи қўшилиб борди. Бизга ишонмади, шекилли.

Устоз Илоҳ йўлида юрган инсон бўлганлари учун илоҳий бир хиргойи билан кетиб бордилар.

Ман бир ёр истадим, ул ёрни англамаслар,  
Борлиқ ичра йўқдур, лек борни англамаслар.

Ишқи ашъоридан тўкилиб кетди, кўзда ёшларим,  
Девона васлида ёндим каби, ман зорни англамаслар.

Устоз Илоҳ йўлида турган шайхлик либосидаги авлиё инсондир. Илоҳий илм устози қувватий юқори даражада турсаларда, одамлар орасида камтарин, эзгулик йўлида ҳамиша ҳозир нозир турадилар. Халқ йўлида тиним билмас ана шу инсон, инсонлар дардига малҳам излаб тоғу тошлар кезиб юрибди. Воқеамиз ривож эса...

Аксига олиб ўтовдан қайтишда эшакнинг оёғи тойиб ўттиз метрлар чамаси жарликка шишалар билан қулаб кетди, денг. Ана энди, тожик акамизнинг аҳволини кўринг,

- ҳарам мурде мемурам, мемурам - деганча бақира кетди.

Устоз жимгина туриб унга ўгирилганча юпатдилар.

- Хавотир қилма биродар, эшагингга ҳеч нарса қилмайди.

Пастга тушдик... Энди эшакни қўя турайлик, соғ-саломат, қизиғи шундаки, шишаларнинг бирортаси синмаган эди. Тошлар аро ўттиз метрдан қулаган шишаларнинг бирортаси синмаса. Камина бу ҳолатдан ҳайратда эдим. Ҳалиги тожик биродаримиз устозга ўгирилганча қўлини кўксига қўйди...

- Сиз авлиё экансиз, устоз...

Мана шунақа гаплар. Камина бир ойлик мавсум доирасидаги саргузаштларни бир қисмини ёздим, холос. Устоз билан юрган йўлларим, кечирган кунларим лўнда қилиб айтганда, экстримал ҳаёт бир умр ёдимда сақланиб қолди.

Турли хил ноёб ўт-ғиёҳларни минг машаққат билан манзилга олиб келгандан сўнг иш битди, - деб ўйларсиз. Ғиёҳларни таёрлаш ишларида қатнашмасам ҳам тайёрлов жараёнини кузатиб гувоҳи бўлдимки, машаққатни асли энди бошланаркан.

Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, ўт-ғиёҳлар махсус препаратлардан ўтказилиб, тайёр ҳолатга келтирилгандан сўнг шахсан устознинг иштирокларида барча ўт-ғиёҳларга дуо орқали илоҳий шифо қуввати киргизиларкан. Бу ҳолат ярим тунда зикр ҳолатида рўй берадики, илоҳий дуоларга тўйинган ғиёҳларни истеъмол қилган бемор, албатта, дардидан фориғ бўлади. Ахир қанча- қанча бедаво дардларга йўлиққанларнинг шифо топиб кетганларидан шахсан ўзим гувоҳман...

Ана шунақа гаплар. Сиз қўлингизда тутиб дардингизга шифо бўладиган, умид боғлаганингиз ўт-ғиёҳлар шунчаки оддий ғиёҳ эмас, балки инсонлар ҳаёти гарови эвазига келган ва илоҳий қувватларни ўз ичига сингдирган ноёб ва беқиёс шифо илинжидир.

Камина устозга машаққатли, ўз ўрнида қизиқарли саёҳат учун чексиз миннатдорчилик билдириб хайрлашдим. Ул зот яна бир муддат қолишим мумкинлигини айтганларида тўғриси эътирозимни яширолмадим. Тўғриси бу каби машаққатларни чидаганга чиқарган. Бундай экстримал ҳаётда яшаб, халқнинг дардига малҳам бўлмоқ, касбини танлаган илоҳий устозга тасаннолар айтгим келди. Агар имкониятингиз бўлса, сиз ҳам устоз билан тўрт минг саккиз юз метр баландликка чиқиб ғиёҳлар териш мавсумига бир қатнашиб кўринг, ана шунда ушбу дориворларни нақадар бебаҳолигига ишонч ҳосил қилиб, уларни кўзингизга суртиб ичасиз.

**Шоҳрасул... Самарқанд шаҳри**

**2011 йил. 10 июл.**

# **Mashaqqatli saxovat...**

Toshkent 2011 yil

Bilasizmi, qarshimda turgan purviqor tog'larga qarab turib, shayx Nursafardiyning tabiblik borasidagi kasbi naqadar sermashaqqat va o'z o'rnida o'ta xavfli ekanligiga shaxsan guvoh bo'lib turganimni bayon qilmoqchiman. Ha, men ustoz bilan o't-giyoh terish mavsumini birga o'tkarmoq niyatida ana shu purviqorlik qarshisida xayolga berilib qoldim. Bu erlarni jannatga qiyoslash mumkin. Lekin qorlarni bag'riga quchib yotgan bu jannatning qo'ynidan inson qadami etmagan to'rt ming sakkiz yuz metr balandlikdagi o'ta kuchli o't-giyohlarni terib tushmoq do'zax azobiga tengligini his qildim. Tasavvur qilyapsizmi, to'rt ming sakkiz yuz metr balandlik. Toshkentda ellik gradus issiq, odamlar salqin joy izlab turgan bir paytda, saratonning qoq o'rtasida qorlar bag'rida qalin kiyinib sovuqda burishib o'tiribmiz. Hoynahoy, bizga havas qilib turgan bo'lsangiz ajab emas. Kechirasiz, biz hayot va o'lim orasida turibmiz. Bemorlarning kasaliga shifo izlab ustoz bilan chiqib kelgan manzilimizdan pastga qarasangiz yuragingiz zirqirab ketadi. Bu erda engil nafas olishning ham imkoniyati chegaralangan. Bosim kuchli. Biz yuqoriga chiqib kelayotib tik qoyaga duch keldik va faqatgina mana shu joy bizni kerakli giyohlar sari olib borardi. Ustoz xavfli bu yo'ldan birinchi bo'lib chiqa boshladilar. Menku birinchi marta bunday qaltis manzil sari chiqmoqdaman, lekin ustoz va u qishining shogirdlari har yili mana shunday mashaqqat guvohi bo'lishlarini his qilib, to'g'risi yuragim uvishib ketdi. Yuqoriga ko'tarilishdan oldin ustoz har birimizga o'ta hushyor bo'lishimizni tayinladilar. Biz Men, Hasan, Ulug'bek birgalikda yuqoriga chiqa boshladik. Ustozning bir necha yillik tajribalari qo'l kelib, xavfli daradan bir muddat o'tib tepaga chiqib oldilar. Va har daqiqada hushyor bo'lishimizni tayinlab turdilar. G'ayrat va Ulug'bek ortlaridan chiqib borishdi. Faqat Hasan va men... Tepaga o'n besh metrlar qolganda tikka qoyada Hasan taqalib to'xtab qoldi. Ortidan uch metrlar chamasi men qoyaga yopishib unga qarab qoldim.

Na oldinga va na ortga yo'l yo'q. Nima qilishni bilmay ortimga qaradimu, bir kilometrlik jarlik ustida o'lim meni kutib turganini his qildim. Chiqishdan oldin ortimga qaramabman. Tikka jarlikda Hasan ikkalamiz yopishib turibmiz. Bilasizmi, men shu erda o'limni ko'rdim. Ikkita oyog'im ikkita toshga ilinib turibdi. Qaltiray boshladi. Mendan uch metrlar yuqorida turgan Hasanjon joyidan qimir etolmaydi. Yuqorida turgan ustoz va yana ikki shogird zudlik bilan bellaridagi arqonni echdilar, ammo etmadi, uch metrlar etmadi. Endi najot ustozning duolariyu Xudoning irodasida edi. Hasanjon ikki qadam oldinga siljidi. Men bir qadam tashlab bir-biriga yopishib qolgan qatta tosh soyasida gavdamni tutib tagiga o'zimni olishga harakat qildim. Chunki mendan tepada turgan Hasanning har bir qo'ygan qadamidan toshlar ko'chib kela boshladi. Bir qadam qo'ysa, toshlar oqib kelayapti. Yaxshiyam kattaroq qoyaning tagida jon saqlab turibman. Ustimdan toshlar galasi yomg'irday quyildi. Oyoqlarim qaltirab hozir qulayman degan xayolda ko'zlarimni yumdim. Ustozning ovozlari eshitildi.

- Ehtiyot bo'linglar... Yigitlar hozir tushaman...

Ustoz toki arqon etguncha xavfli qoyadan ancha pastlab arqonning bir uchini Hasanga etkardilar... Uni chiqarib olishdi. Men esa yana ikki qadam oldinga



siljimog'im kerak edi... Qoyadagi toshlar juda omonat, qadam qo'yilsa bas ko'chadi... Quyilib keladi.

Ikkita omonat tosh turibdi, ana shu ushlasa chiqaman, ushlamasa pastga qulayman. Boshqa ilinj ham, umid ham yo'q... Ustoz aynan shu toshlarga oyog'imni qo'yishimni va sal yuqorilashimni aytdilar. Pastga qaragam bosh aylanadi. Bu erdan yiqilgan odamning o'nta suyagidan bittasi qolmaydi. Siz his qilayapsizmi? Bu erda insonning hayoti nafaqat mening, balki etti sakkiz insonning hayoti ko'ndalang turibdi. Ustozga shu hayot shu mashaqqat, shu azob kerakmi aslida... Xalq dardiga, el dardiga malham bo'laman deb millat sog'ligi yo'lida ana shunday o'zining shirin hayotini o'limga tenglab tog'lar bag'rida yonib kuyib yuribdi. Men ana shunda ustozni qadrini angladim. Ko'zlarimga o'lim ko'rinib turganida ustozning mashaqqatlari naqadar og'irligini angladim. Men ustozga umid ko'zlari bilan qaradim.

- Shu erda o'lsam kerak ustoz...

- O'zingizni qo'lga oling, ana o'sha ikkita toshga oyoq qo'yasiz, arqongacha harakat qiling, endi...

- Omonat, ko'chib tushadi, ustoz.

- Sizni duo qilaman... Bo'ling...

Ko'zlarimni yumdim, xudodan umr tiladim, sekin o'rgimchak singari toshga yopishib oldinga sekin qadam ko'tardim, birinchi tosh ko'chib mingtasini so'rib ketdi, pastga qaradim, toshlar do'l singari yog'dilar...

Ustozning tillaridan duo tushmadi. Peshonamdan ter quyilardi. Nihoyat ikkinchi toshga ilinib, arqonning bir uchini zo'rg'a ilib olib, tosh ko'chganiga qaramay osilib qoldim. Ustoz arqonni mahkam tutib olganlar. U qishining oyoqlaridan Ulug'bek, G'ayrat va Hasan tutib olgandilar. To'rt ming sakkiz yuz metr balandlik. Yuqoriga chiqdimu onamdan ikkinchi marta tug'ildim, to'g'risi. Men dunyoga ikkinchi marta tug'ildim. Jon ham shunaqa shirin bo'ladimi? Hammamiz engil nafas oldik. Bu erda esa yam-yashil quyoshning ultrabinafsha nurlariga to'yingan har qanday kasallikka davo bo'ladigan o't-giyohlar bemorlarni kutib shifo tarzida o'sib yotibdi. Biz ularni bir muncha dam olganimizdan so'ng terib yana qoplar bilan ming bir azobda pastlaymiz. Ikkinchi xavfli holat nimada edi. Ancha pastlab elkamizda og'ir qoplar bilan tushayotgan edik, tepada yovvoyi echkilar galasi o'tlab yurgan ekan...

Kutilmaganda ustozning, chetlan, degan ovozlaridan ortimizga qararak, toshbo'ron oqib kelayotganiga ko'zimiz tushdi.

- O, Hasan...

Kutilmaganda baqirib yuborganimni hatto sezmay qoldim. Quchoqqa sig'maydigan tosh sal qoldi uni urib pastga qulatib yuborishiga. O'zini bor kuchi bilan

qutqardi, nazarimda. Yuqoridan bitta tosh qulasa, toki pastga tushguncha mingta toshni urib tushirarkan. Katta bo'lmasada, kichik tog' ko'chkisi chindakam hayotimizga xavf solib o'tdi. Engil nafas oldik. Qarshimizda ko'kka bo'y cho'zib turgan purviqor tog'lar nafaqat o'zining tengsiz go'zalligi, balki o'ziga xos xatarligini ham bizga namoyon qilib turganini his qilib turardik. Biz yuqoriga chiqishdan oldin to'rtta sharsharani bosqichma-bosqich chiqib bordik, bir-biridan go'zal tabiatning chinakam, nafaqat tabiat, aslida Yaratganning chinakam mo'jizasiga guvoh bo'lgandik. Men, hatto kamera qarshisida turib, - odamlar biz Toshkentning Bo'stonliq tumanidagi purviqor tog'lardan jannatni topib oldik, - deya gapirib ham qo'ygandim. Lekin yuqorida nima voqealar ro'y berdi nazarimda, o'zingiz hikoyamiz asosida his qilib turibsiz.

Quyida bizni Gaz oltmish olti kutib to'rardi. Yuqoridan ming azobda olib tushgan yukimizni mashinaga ortib yo'lga tushdik. Yana qancha yo'l yurish kerak. So'qmoq yo'llardan mashinamiz sokin ketib boradi. Bir yuqoriga bir pastga qarab, bir tubsiz jarlik yoqasidan yuragimizni hovuchlab o'tamiz. Xullas, mana shunaqa gaplar. Qiyalikdan mashina yuqoriga ko'tarilayotib to'xtab qoldi... Ortga tisarildi. Shuhrat haydovchimiz tormozga oyoq bosdi... Afsus... Tormoz ishdan chiqqan ekan. Ustoz pastga sakrashga buyruq berdilar. Faqat Shuhrat mashinani tark etmadi. U qanday bo'lmasin mashinani to'xtatib qolmoqchi edi. Bo'lmadi... Mashina ag'darildi... Hammamiz yurak hovuchlab Shuhrat yotgan kabina tomon yugurdik. Shukr Shuhrat jarohatsiz sudralib kabinadan chiqib, ust-boshini qoqib oldi-yu, ustozga xijolatda qaradi. To'g'risi ustoz uni urishib berdilar... Haliyam mashina archa daraxtiga urilib ag'darildi. Pastdagi jarlik tomon qulaganda nima bo'lardi. Mashina benzin baki yorilib yoqilg'i tukilardi. Shu erdan o'tgan yo'lovchi kino olayapsizlarmi, tryukchimisizlar, - deya hazil qilganda, ustozning yanayam jahllari chiqib ketdi.

Biz xalq salomatligi yo'lida shunday azobda yursagu, shu ham gapmi. Ming azobda traktor gaplashib yuqoriga olib chiqqancha mashinani o'ngladik.

Bu yo'llar ajib yo'llar. Ba'zi joylarga mashina bormasa, eshakda borishga to'g'ri keladi. Tog' darasi bo'ylab o'ttiz kilometr yurib borish kerak. Qunduzi saraton oyi, harorat issiq bo'lgani tufayli kechasi yo'lga chiqamiz. So'qmoq yo'llar tepaliklar, tog' yon bag'rida manzilga qadar anhor shovullab oqadi. Kechasi har bir qo'yan qadamingiz xavfli. Sal toyib ketsangiz, yuz metrlar chamasi pastga qulaysiz. Har bir daradan yurak hovuchlab o'tamiz. Yuqorilaganimiz sari eshaklar imkonsiz to'xtab qoladilar, yurolmaydilar. Eshak yurolmasa, piyoda. Katta xarsanglarda oyoqlar qiyilib yuqoriga ko'tarilamiz. Tog'u toshlar kezib yo'lida suhbat quramiz, yashab turgan qishlog'imizni hangomasi qiziq. Nega deysizmi...

Qishloqda eshak topishning ham imkoniyati chegaralangan. Bir qishloqda yashaymiz. Odamlari yomon emas, lekin eshagingizni berib turing shundoqqina yukimizni uygacha olib kelaylik desak, hech biri unamaydi. Em-xashak tashib turuvdik, vaqt yo'q deyishadi. U yog'ini so'rasangiz, ko'cha to'la daydi eshak. So'ramasdan olishga yurak betlamaydi. Oxiri ko'chadagi ikki-uch eshakni so'roqsiz haydadik. Mayli, xalq yo'lida ayb bo'lmas dedik. Axir egasini ham tanimasdik-da. Baribir ming xijolat

bilan yukimizni olib keldik va ustozni topshiriqlari bilan ma'lum miqdordagi pulni o'rab har bir eshakni bo'yniga o'rab qistirib qo'ydik. Xizmat haqqi, - dedik. Egasi topib olar.

Bir gal yuqorida cho'ponlar turgan o'tovda shishalarda tayyorlangan giyohlar siropini olib kelmoq uchun eshak izlab ancha sarson bo'ldik. Asosan tojiklar yashaydigan mahallada eshak topish mushkul bo'ldi. Oxiri bir insonni rozi qildik... Faqat eshagi bilan birga o'zi qo'shilib bordi. Bizga ishonmadi, shekilli.

Ustoz Iloh yo'lida yurgan inson bo'lganlari uchun ilohiy bir xirgoyi bilan ketib boradilar.

Man bir yor istadim, ul yorni anglamaslar,  
Borliq ichra yo'qdur, lek borni anglamaslar.

Ishqi ash'oridan to'kilib ketdi, ko'zda yoshlarim,  
Devona vaslida yondim kabi, man zorni anglamaslar.

Ustoz Iloh yo'lida turgan shayxlik libosidagi avliyo insondir. Ilohiy ilm ustozni quvvatliy yuqori darajada tursalarda, odamlar orasida kamtarin, ezgulik yo'lida hamisha hoziru nozir turadilar. Xalq yo'lida tinim bilmas ana shu inson, insonlar dardiga malham izlab tog'u toshlar kezib yuribdi. Voqeamiz rivoji esa...

Aksiga olib o'tovdan qaytishda eshakning oyog'i toyib o'ttiz metrlik chamasi jarlikka shishalar bilan qulab ketdi, deng. Ana endi, tojik akamizning ahvolini ko'ring,

- haram murde memuram, memuram - degancha baqira ketdi.

Ustoz jimgina turib unga o'girilgancha yupatdilar.

- Xavotir qilma birodar, eshagingga hech narsa qilmaydi.

Pastga tushdik... Endi eshakni qo'ya turaylik, sog'-salomat, qizig'i shundaki, shishalarning birortasi sinmagan edi. Toshlar aro o'ttiz metrdan qulagan shishalarning birortasi sinmasa. Kamina bu holatdan hayratda edim. Haligi tojik birodarimiz ustozga o'girilgancha qo'lini ko'ksiga qo'ydi...

- Siz avliyo ekansiz, ustoz...

Mana shunaqa gaplar. Kamina bir oylik mavsum doirasidagi sarguzashtlarni bir qismini yozdim, xolos. Ustoz bilan yurgan yo'llarim, kechirgan kunlarim lo'nda qilib aytganda, ekstrimal hayot bir umr yodimda saqlanib qoldi.

Turli xil noyob o't-giyohlarni ming mashaqqat bilan manzilga olib kelgandan so'ng ish bitdi, - deb o'ylarsiz. Giyohlarni tayorlash ishlarida qatnashmasam ham tayyorlov jarayonini kuzatib guvohi bo'ldimki, mashaqqatni asli endi boshlanarkan.

Meni hayratga solgan narsa shu bo'ldiki, o't-giyohlar maxsus preparatlardan o'tkazilib, tayyor holatga keltirilgandan so'ng shaxsan ustozning ishtiroklarida barcha o't-giyohlarga duo orqali ilohiy shifo quvvati kirgizilarkan. Bu holat yarim tunda zikr holatida ro'y beradiki, ilohiy duolarga to'yingan giyohlarni iste'mol qilgan bemor, albatta, dardidan forig' bo'ladi. Axir qancha- qancha bedavo dardlarga yo'liqqanlarning shifo topib ketganlaridan shaxsan o'zim guvohman...

Ana shunaqa gaplar. Siz qo'lingizda tutib dardingizga shifo bo'ladigan, umid bog'laganingiz o't-giyohlar shunchaki oddiy giyoh emas, balki insonlar hayoti garovi evaziga kelgan va ilohiy quvvatlarni o'z ichiga singdirgan noyob va beqiyos shifo ilinjidir.

Kamina ustozga mashaqqatli, o'z o'rnida qiziqarli sayohat uchun cheksiz minnatdorchilik bildirib xayrlashdim. Ul zot yana bir muddat qolishim mumkinligini aytganlarida to'g'risi e'tirozimni yashirolmadim. To'g'risi bu kabi mashaqqatlarni chidaganga chiqargan. Bunday ekstrimal hayotda yashab, xalqning dardiga malham bo'lmoq, kasbini tanlagan ilohiy ustozga tasannolar aytgim keldi. Agar imkoniyatingiz bo'lsa, siz ham ustoz bilan to'rt ming sakkiz yuz metr balandlikka chiqib giyohlar terish mavsumiga bir qatnashib ko'ring, ana shunda ushbu dorivorlarni naqadar bebaholigiga ishonch hosil qilib, ularni ko'zingizga surtib ichasiz.

**Shohrasul... Samarqand shahri**

**2011 yil. 10 iyul.**